

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Республика ихтисослаштирилган  
эпидемиология, микробиология,  
юқумли ва паразитар касалликлар  
илмий-амалий тиббиёт маркази  
Навоий вилоят филиали бошлиғи



Б.Базаров

2022 йил

Навоий вилояти Навои шаҳар Ибн Сино кўчаси 27- “Б” уйда  
жойлашган вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси  
“Бактериология лабораторияси ва ҳаво томчи бўлими” биносини жорий  
таъмирлаш ишлари объекти бўйича

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

# **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## 1. ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. Танлов предмети ва қиймати .

1.1. Танлов предмети **Навой вилояти Навои шаҳар Ибн Сино кўчаси 27- "Б" уйда жойлашган вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси "Бактериология лабораторияси ва ҳаво томчи бўлими"** биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

1.2. Танлов охириги қиймати **709 372 434 сўм (Йетти юз тўққиз миллион уч юз йетмиш икки минг тўрт юз ўттиз тўрт сўм )** Ушбу қийматдан ортиқ маблағлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кунидан бошлаб 5 кун

1.4. Ишларни бошлаш муддати 30% аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази **Навой вилоят филиали** (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) Танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази **Навой вилоят филиали** томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда , белгиланган муддатларда ўтказилади

## 3 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий ва ваколатлар;  
Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсад этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. Қайта ташкил этилган (ажратилиши қўшилиши) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

#### **4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифтлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қура Ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ этилиши талаб этилади

-Гувоҳнома Устав ва К2 қарздорлик мавжуд эмаслиги

4.4. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга

#### **5 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғўлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7 БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифтлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун шлдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни ўзгартиришга йул қойилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар

эълонда курсатилган ахбарот узгартирилган булса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга узгартиришлар киритиладию

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжадлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларниг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахбарот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушутиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифлар кўрсатилган шартлар асосида тузилади